

# ЖАЛД СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



1998 йил 29 январь пайшанба  
Сотувда эркин нархда  
№ 21 (1802)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

**МИЛЛАТЛАРНИ АЙЛАНДIRMИ**

**СОАТ**

**ЧОРШАНБА ХАБАРЛАРИ**

### ЭКСПОРТ

**БИР ЙИЛДА 500 МИЛЛИОН ДОЛЛАР**

Навоий вилоятида чет эл сармоялари билан ҳамкорликда ташкил этилган кўшма корхоналар сони 21 тага етди. Уларнинг йиллик товар айланмаси 1997 йилда 500 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Ушбу йилда вилоятда экспорт ҳажми 9,9 фоизга ортаган бўлса, импорт эса 1,8 фоизни ташкил қилди. Вилоят экспорт салоҳиятининг ошишига, айниқса, харидорлар, рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқарётган «АГМА», «Зариспарк», «Навоий-казеин» кўшма корхоналари муносиб ҳисса қўшмоқда.

**П. ЖУМАЕВ.**

### ҲОКИМЛИКЛАРДА

**ЭЪТИБОР**

У ҳаммага керак. Жумадан, кўнли яримлар бошқалардан мурувват кутиниши. Айниқса, ногирон болалар ҳар доим тиббий муолажага эҳтиёж сезишади. Самарқанд вилояти ҳокимлиги савий-ҳаракати билан Самарқанд шаҳридаги 2-болалар шифохонаси негизда 50 ўринга мўлжалланган ногиронларни реабилитация қилиш вилоят маркази ташкил этилди. Бу ерда ногиронлар учун протез маҳсулотлари яши устaxonалари, меҳнат билан соғомлаштириш хоналари, физиотерапия, сув ва балчиқ билан даволаш хоналари ташкил этилади. Марказга борувчиларга кулайлик яратиш мақсадида алоҳида транспорт катнови йўлга қўйилади, — дея хабар берди ўз мухбиримиз Г. Чехра.

### ХАЙРОНИМИЗ

Пахтабод туманидаги Қумшайтон ва Кўктуғлик маҳаллалари аҳолиси 1995 йилдан буйна насос ёрдамида чиқариладиган тоза ичимлик сувидан фойдаланиб келади, — деб Ёзди Қумшайтон маҳалласи фуқаролар йиғини раиси М. Солеҳ. — Лекин сув насосининг бот-бот куйиши сабабли, тоза ичимлик суви кейинги пайтда катта муаммага айланган қолди. Натижада, маҳалла аҳолиси ичимлик суви ташиб келмоқда. Бу ҳақда аввал туман ҳокими мурожаат қилдик. Ҳоким бўлса, бораверинлар, хўжалик раисига тайинлайман, деди. Натижа бўлавермагач, хўжалик раисига бордик. Раис эса ноижолигини рўқач қилди. Энди қайқча боршимизни билмай хайронимиз.

### ТАКЛИФ

**ШИФОХОНА ЁНИДАН ЎТСА...**

Янгийўл туманининг «Тинчлик» жамоа хўжалигидаги Кўшпена, Меҳнатобод ва Қоратена қишлоқлари оралигида олтинчи ўринли шифохона бор. Лекин гапимиз у ҳусуида эмас, балки мазкур масканда даволанувчилар ва уларни йўқлагани келувчи қариндош-уруқларнинг муаммолари ҳақида. Илгари шифохонанинг ёнигасидан 181-автобус ўтара эди. Икки йил бўлдики, у икки километр наридан — Чаптепадан қайтиб кетадиган бўлиб қолди. Шу йўналиш қатнови шифохонагача уайтирилса, айни муддао бўларди.

**А. ИЗЗАТОВ,  
М. ЁҚУБОВ.**

### ЖИНОЯТ

**ИНСОФИНИ УНУТГАН ҲАМҚИШЛОҚ**

— Шодир Беков Косон шаҳар деҳқон бозоридан бугдой сотиб олади, — деб Ёзди Қашқадарь вилоят ички ишлар бошқармаси матбуот гуруҳи ходими Уроҳ Хайдар. — Нама бўди-ю, бир кун бугдой сақланаётган амборхонасига бош суқди. Дарров пешонасига тер тепчиди. Ҳаммаёқ иш-ишдам эди. Охири туман ички ишлар бўлими эшигини қоқди. Милиция ходимлари бугдой ўрчисини топдилар. У жабрланувчининг ҳамқишлоғи Мусурмон Б. экан. Мусурмонбой бир оила риқини қийиб, амборхонадан 800 килограмм бугдойни «ҳалоллаб» кетган экан. Аммо ҳаром лўқма тешиб чиқди.

Телефонларимиз: 133-15-22, 133-52-55  
133-07-48, 136-37-85

«Соат» миллирини Исмат ХУДОЁРОВ кузатди.



Фотомухбиримиз Тўлқинбек Каримовнинг Тошкентдаги «Алта» ўзбек-француз кўшма корхонасида олган мана бу қизинг сурати-га сичқиқиб боқинг. Кўзларида қайғу-нинг устуворлиги зоҳир. Ахир нега зоҳир бўлмас эканки, у ишлаётган корхонада ишлар жадал кетаётган бўлса. Италияда иш-

### ЕР МАЛҲАМИ

Ўзбекистон Фанлар академияси Микробиология ҳамда Истиқболли тадқиқотлар ва инновация институтларининг кўп йиллик ҳамкорлигида тадқиқотлари муҳим кашфиётга асос бўлди. Тупроқ унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлигини оширишда қўлланиладиган янги биологик ўғит яратилди. Ер малҳами — биоазот ўғити, деб аталган мазкур кашфиётга яқинда Ўзбекистон Республикаси патенти берилди ва қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган ўғитлар рўйхатига киритилди.

**П.НИШОНОВ.**

### ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Республикамиздаги санацияга тушган хўжалик раҳбарлари, бош мутахассислари ҳозирча дўппини осмонга отмаганлари маъқул. Негаки, ушбу тадбирдан кўзда тутилган асосий мақсад қишлоқ хўжалигида маъсулиятни кучайтириш, илгор усулларга кенг йўл очиш, темир интизом, жавобгарлик, сўнги натижадан барчанинг тенг манфаатдор бўлиш туйғусини шакллантиришидир. Яна улар, давлат қарзимиздан ке-

## САНАЦИЯ ИМТИЁЗ ЭМАС, ИМКОНИЯТ ДИР

— Раймберди Эгамқулович, сиз бригадир, бўлим бошқарувчиси, ҳосилот лавозимларида ишлагансиз. Мирзачўлда санацияга тушган 9 та хўжаликдан бирининг раҳбари сифатида 1998 йилги режалар тўғрисида гапириб берсангиз.

— Бу йил 4269 тонна пахта ва 4274 тонна дон етиштиришмоқчимиз. Пахтачиликка 77482 минг сўм сарфлаб, 116221 минг сўм даромад, дончиликка 29114 минг сўм харчилаб, 44583 минг сўм даромад олиш мўлжалланмоқда. Пахтадан олинган соф даромад 38 миллион сўмни, дончиликка 20 миллион сўмга яқини ташкил этади. Хўжалик, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик эканларидан 60,6 миллион сўм даромад олишни кўзлаб турибмиз.

— Ҳўлава деган билан оғиз чўчимайди, деган гап бор. Сиз айтган натижаларга эришиш учун жуда катта меҳнат талаб этилади.

— Албатта. Агар деҳқон ерга меҳр қўймаса, ҳар қанақанги чакриқ ва шпорларнинг баҳоси уч луддир. Шу сабабли, мана, бир ойдан буйна маълум бир ташкилий ишларни амалга оширишга улгурдик. Чунки, хўжалигимиз балансида турган ортиқча нарсалар корхона ва ташкилотлар-

### ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ МУҲОФААЗАСИ

САМАРҚАНДДА БМТнинг тараққиёт дастури билан ҳамкорликда «Инсоннинг халқаро ҳуқуқлари ва уларни Ўзбекистон шароитига мослаштириш» мавзусида халқаро семинар бўлиб ўтди. Анжуманда суд, прокуратура, ички ишлар органлари вакиллари, БМТ мутахассислари қатнашди.

Семинарни инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ директори Акмал Саидов очди.

Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С. Рашидова, БМТнинг тараққиёт дастури эксперти Д.Готтеро ва бошқаларнинг маърузалари тингланди. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида республикамизда амалга ошириладиган ишларга юсак баҳо берилди, мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан тақлиф-мулоҳазалар билдирилди.

Семинарда вилоят ҳокими А. Мардиев сўзга чиқди.

**Х.ШУКУРОВ,  
ЎЗА мухбири.**

### КҮЁШ НУРИДА ИШЛОВЧИ ҚУРИЛМА

молчига иссиқ ва совуқ суви, шунингдек, электр энергиясини тўхтовсиз етказиб бера олади.

Қурилмага қуёш энергиясини тўплайдиган аккумулятор ўрнатилган. Бу қурилманинг кечаси ҳам ишлашни таъминлайди. Янги геолоапаратнинг мамлакат-

### ЎРИНБОЙ ЦЕХ ОЧМОҚЧИ

Конимех туманида Ўринбой Қодиров томонидан ташкил этилган «Конимех» фермер хўжалиги мўйнадан теллак ва бошқа қишлоқ буюмлар ишлаб чиқариш билан шуғулланмоқда. Фермер сифати мўйна ва парқез гушт берадиган нутрияни қўпайтирмоқда. Бу хайвонлар учун кўп оза талаб қилинмайди. Фермада боқилаётган хайвонлар сони бир йил ичида ўнтадан бир юз

### Долзарб мавзу

чиб юборади, шунинг ўзи жуда катта фойдадир, дея хомхўлға бормасликларни керак. Қара кечилмайди. У малам муддатга кечиктирилади. Санация сарони сарога, пушакни пушакка ажратлади.

Меҳнатобод туманидаги Ҳамма номи ширкатлар уюмиса раиси Раймберди АХМЕДОВ билан суҳбатимиз хўжаликни юксалтириш, унинг бугуни ва эртанги истиқболи тўғрисида.

### САНАЦИЯ ИМТИЁЗ ЭМАС, ИМКОНИЯТ ДИР

лик, 7 та деҳқон хўжалигининг 5 таси режани дундириб бажарса, марҳамат қилиб пул, бугдой, қунара ва усимлик ёғи олади. Қолаверса, толадан тушадиган мўмай пулнинг катта қисми ҳам ана шу илгорларга тақсимлаб берилади. Кўриб турибсизки, бу ерда моддий манфаатдорлик ўртасидан фарқ катта. Шу боис, ҳеч ким қолоқ бўлишини, оз меҳнат қилиб озга эга бўлишини истамай қолади.

Бу ҳол тўғридан-тўғри меҳнат унумдорлигининг юксалишига олиб келади. Жарақатлиб пул олган, амбори донга тўлган, дарозасидан чорваси учун ем-хашак кириб турган қайси киши меҳнат қилмайди, дейсиз? Керак бўлса, ҳалол меҳнат нонининг таъмини тогган одам далада 14-15 соат ҳам ишлайверди.

— Маълумки, санацияга тушган хўжаликларда тежамкорлик тараққиётга эришишнинг бош омилларидан бири ҳисобланади...

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов жаноби олийларига

Мухтарам Президент жаноблари, Ийд ал-Фитр муносабати билан Ўзбекистон халқига Америка Қўшма Штатлари халқининг самимий тилақларини етказиш менга улкан мамнуният бахш этади. Мен бу муқаддас байрамни нишонлаётган бутун ўзбек халқи Ўзбекистоннинг улкан ютуқларга ва ёрқин истиқболга эришиш йўлида куч-қудрат ва имконият топишига қатъий ишонаман. Мана шу байрам кунларида ва Янги Йилда Сизга, оила аъзоларингизга ҳамда бутун Ўзбекистон халқига тинчлик-хотиржамлик, тотувлик ва фаровонлик тилашга ижозат бергайсиз. Камоли эҳтиром ила,

Уильям Ж. КЛИНТОН, Америка Қўшма Штатлари Президенти.

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов жаноби олийларига

Мухтарам Президент жаноблари, Рамазон байрами муносабати билан Сиз жаноби олийларига энг самимий табрикларимни йўллаймман. Фуратдан фойдаланиб, турк халқи ва ўз номимдан Сизга соғлик ва бахт, дўст ва қардош ўзбек халқига тинчлик ва фаровонлик тилаймман.

Сулаймон ДЕМИРЭЛ, Туркия Жумҳурияти Президенти.

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов жаноби олийларига

Ийд ал-Фитр муносабати билан Сиз жаноби олийларига энг яхши тилақларимни изҳор этиш имкониятидан мамнунман. Сизга бахт-саодат ҳамда биродар мамлакатингиз халқига эса фаровонлик тилаймман.

Месут ЙИЛМАЗ, Туркия Жумҳурияти Бош вазири.

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов жаноби олийларига

Мухтарам Президент жаноблари, Рамазон байрами муносабати билан Туркия Жумҳурияти ҳукумати ҳамда ўз номимдан самимий табрикларимни ва энг яхши тилақларимни йўллаймман.

Мақтум бин Рошид Ол МАҚТУМ, Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти ва Бош вазири.

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов жаноби олийларига

Мухтарам Президент жаноблари, Ийд ал-Фитр муносабати билан Сиз жаноби олийларини чин юракдан муборакбод этиш шарафига муассарман. Сизга мустақкам соғлик ва биродар мамлакатингиз халқига ривож тилаймман.

Султон бин Зойд Ол НАҲАЁН, Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири ўринбосари.

### ТАШАББУС ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Жаҳон ҳамжамиятига Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг минтақавий тинчлик ва барқарорлигини таъминлаш, хусусан, Афғонистондаги зиддиятларни тинч йўл билан ҳал этиш бўйича ташаббуслари яхши маълум. Мазкур ташаббусларнинг энг муҳими — Афғонистонга қурол-аслаҳа киритишни таъқиқлаш ва воситачилик гуруҳи ташкил этилиши.

Ушбу ташаббуслар халқаро ҳамжамият томонидан қўллаб-қувватланганини куйидаги фактлар ҳам тасдиқлайди.

Шу йилнинг 26 январида Европа Иттифоқи Кенгашига аъзо мамлакатлар ташқи ишлар вазирларининг набатидан мажлисида Афғонистондан воқеаларга доир «мумий қарарларга» эришилди. Европа Иттифоқи «қарама-қарши томонларга ҳарбий мақсадлар учун ҳарбий қурулғулардан ҳар қандай қурол, ёнги ва бошқа ашёлар етказиб беришни тўхтатиш мажбурий», шунингдек, «Афғонистонда инсон ҳуқуқларини, шу ҳаттори аёллар ҳуқуқларини ҳимоя этишга кўмаклашиш лозим», деб ҳисобланади.

Сўнги пайтларда БМТ Бош қотибининг махсус вакили Л. Браунини Афғонистонга қўшни мамлакатлар билан уч даравада, шунингдек, Сақлиқлар гуруҳи деб ном олган 6+2 формуласи бўйича АҚШ ва Россия билан сиёсий масалаларни ўтказди.

Сақлиқлар гуруҳи ташаббуси билан БМТ Хавфсизлик Кенгаши 1997 йилнинг 16 декабрида махсус баёнот қабул қилди. Унда Афғонистонда ҳарбий ҳарбий қурулғулардан фойдаланишни тўхтатишга оид чакриқ билан мурожаат қилиди, шунингдек, «Бош қотиб ва аъзо давлатларга қурол-аслаҳалар киритишни самарали таъқиқлашнинг адолатли ва назоратбоп таъминланганини жорий этиш юзасидан дастлабки тадқиқотлар ўтказишни тавсия этади».

«Жалқ сўзи» мухбири А. ХОНИМҚУЛОВ суҳбатлашди.

«Жаҳон» ахборот агентлиги.







БИЗНИНГ МУСОҶАБА



Бугунги кунда кишлоқда исллохотларни ривожлантириш устувор вазифага айланган. Зеро, аҳолининг 60 фоизи кишлоқ жойларида яшайдиган мамлакатимиз учун бу жуда муҳимдир.

— Мусо ака, «Кейс-2022» машиналарининг ишлаш уюмдорлиги, қудратлиги, бизнинг шароитимизга нечоғли мос келиши ҳусусида нима дед олдингиз?

— Аввало, эслатиб ўтай, «Кейс» компанияси АКШда бир ярим асрдан ортиқ тарихга эга бўлиб, кишлоқ хўжалиги машинасозлиги бўйича дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди.

«Кейс-2022» хусусида тўхталигимиз керак. Бу машиналарнинг ишлаш уюмдорлиги, қудратлиги, бизнинг шароитимизга нечоғли мос келиши ҳусусида нима дед олдингиз?

— Шундай бўлса-да, баъзида горизонтал шпинделли машиналар керакми, деган саволи эшитиб қоламиз...

— Тўғри. Горизонтал шпинделли ва вертикал шпинделли машиналарнинг ишлаш уюмдорлиги мамлакатимизда ишлаб чиқарилган машиналардан 3-4 баробар ортиқ бўлиб, кунига 25-30 тоннадан ортиқ пахта териши мумкин.

горизонтал шпинделли машиналардан фойдаланмоқда. Зеро, иш унуми юқори бўлган, ҳосили ноубуд қилмай, тез-тез олишни машиналар ҳар бир мамлакат учун жуда ҳам зарур.

Қолаверса, «Кейс-2022» суб-горизонтал шпинделли машиналардан фойдаланмоқда.

— Унда нима учун шу вақтгача республикамизда горизонтал шпинделли пахта териш машинаси кенг қўлланилмайди, юзини ёрғун, биринчи икки қилади.

— Унда нима учун шу вақтгача республикамизда горизонтал шпинделли пахта териш машинаси кенг қўлланилмайди, юзини ёрғун, биринчи икки қилади.

ДЕҲҚОНГА ҚАНДАЙ ТЕХНИКА КЕРАК?

ёки «Кейс-2022» пахта териш машинаси хусусида



бугун барча ишларни ҳисоб-китоб билан бошлаб, ҳисоб-китоб билан аяқлаш одат қилган деҳқонларимиз мақсади ҳам шу.

ораларида ишлайдиган машиналар яратилиш кўзда тутилмоқда. Зеро, республикамизда айнан ана шундай қатор оралари кўпроқ оммилашган.

Яна бир гап: горизонтал шпинделли машиналардан унумли фойдаланиш учун пахта этиштириш технологиясини тақомиллаштириш керак. Бунда пахтанинг эртароқ этилишини таъминлаш муҳим урин тутади.

«Халқ сўзи» муҳбири Фуқрат САНАЕВ сўхбатлашди.

Бўёут туманидаги «И.Бўёут» ширкатлар уюшмасининг марказидаги гузар кишлоқ аҳли фахрланса арайдиган жой бўлади.

Шу ҳўжаликнинг 4-бўлимида

Гузарлар — қишлоқ кўрки

ЖАМИЯТ ПОЙДЕВОРИ

Жамиятнинг шундай бир ажиб бўлаги борки, дунёнинг қарийб бари масаласи у ё бу тарзда унга боғланади. Бу — оила.

Оиланинг эса сон-қимми муаммоси бор, у билан алоқадор қанчадан-қанча масала мавжуд.

1998 йилнинг Оила йили, деб эълон қилиниши билан ана шу масалани таҳлил ва тадқиқ этиш, замон ўзгаришларни жамият янгилаштириш бундан ортиқ оилага муносабатларни қайта шакллантириш жараёни бошланди.

Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиги марказида «Оила — жамият пойдевори» мавзусида бўлиб ўтган илмий аниқланган бу борада мамлакатимизда амалга оширилган биринчи йирик тадбирлардан бўлди.

Илмий марказ раҳбари Неймат Аминов кўриш сўзи билан оиди.

«Биз — болаларвар халқимиз, — деди «Оила маънавияти ва демография» мавзусида маъруза қилган икисод фанлари доктори, профессор Осод Отамизов. — Шунинг учун оила ва аҳли сон — бизнинг ўзаро чамбарчас боғлиқ масала.


Хозир мамлакатда аҳоли сонин йилга 500 миң кишига қўлаяпти. Олдинроқ бу кўрсаткич 750 миңга чиққан йиллар ҳам бўлган эди. Халқимиз фарзанд-вояга етказишни бугун ҳаётнинг мазмуни деб билди.

Хозир Россияда турмуш-ахлоқ янгилади. Россия, Украина, Беларусда ҳаққон фарзанд кўриш камайиб кетган.

Олим бизданг оилага давлат миқёсида эътибор берилмаётганини икисодий муҳозафа сисемаси юргизилаётганидан далолат беришни таъкидлар экан, миллилатимизнинг айнан ана шу оилаларварлигини ишлаб чиқаришни бевоисита юксалтириш сарн бўлиб юбориш мумкинлигини тўшатириб, асослаб берди.

Банк-молия академияси кафедра мудири Аҳмадхон Улмасовнинг фикр-мулоҳазалари олдинги маърузанинг давомидек бўлди. Чунки бевоисита «Оила ва икисод» мавзусини ёритди.

«Оила — микромулк, — деди у. — Бирок бу умумий мақон фақат қавму қариндошлик алоқалари асосидагина ташкил топмайди. Оилда мулкый умумийлик бор. Даромаддаги умумийлик бор. Истеъмолдаги умумийлик бор. Болалардан ташқари, оилда инсон капитали шаклланади — меҳнат ресурслари етилиштирилади. Демак, оила ва икисод, оила ва бозор — бугун бир-бирига чамбарчас боғлиқ тушунчалар.



Олим шу мулоҳазаларини илмий асослар экан, Ўзбекистоннинг бугунги икисодий кўрсаткичлари ҳақида батафсил тўхтади. У, жумладан, 1997 йили мамлакатимизда аҳоли жон бошига товар ишлаб чиқариш ҳақида 2,5 фоизга оширилганини маъмурийет билан қайд этиб, бу бевоисита оила даромадини яхшилаш боришидан далолат эканини айтиди.

Шоира ва публицист Турсуной Соҳибова «Оилда шахс маънавияти» мавзусидаги маърузасида оилани айнан шахсни камолга етказишнинг асосий макони. сифатида таҳлил этди.

— Шўро сисемаси зимдан айнан бизнинг оилга муҳаббатимизни йўқ қилишни мўлжалга олган эди. Биз кўп нарсани бой бериб қўйган эканмиз. Энди халқимизнинг ана шу асрлар мобайнида шаклланган қадим аёнчаларини, бой маънавий қадриятларни тиклаш имконига эгамиз.

Маърузачи оилда эркак ва аёлнинг бурч ва масъулиятлари, мамлакатимизнинг таянч бўлиши йилларимиз тарбиясида алоҳида эътибор бериш лозимлигини таъкидлаб, касб-ҳунар ўргатишнинг аҳамияти хусусида тўхтади. У «Қарарлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурда» мактабларда маънавият дарслари режага киритилганлигини хўрсандчилик билан таъкидлади.

Маърузачи оилдан қизларни савол-жавоб мулоҳазаларда Соҳаб Шарифидинов, Худойберди Тўхтабоев, Қўбилик Қаримбеков каби зиниллар иштирок этдилар.

Зинда ҒАҒФОРОВА, республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиги марказининг өтқиқи мутохассиси.

ГУЗАРЛАР — ҚИШЛОҚ КЎРКИ

Бўёут туманидаги «И.Бўёут» ширкатлар уюшмасининг марказидаги гузар кишлоқ аҳли фахрланса арайдиган жой бўлади. Бу ерда бозордан ташқари 10 та савдо дўқон, чойхона, манший хизмат шохобчалари бор.

Шу ҳўжаликнинг 4-бўлимида

Гузарлар — қишлоқ кўрки

Гузарлар — қишлоқ кўрки

Гузарлар — қишлоқ кўрки

Гузарлар — қишлоқ кўрки

Гузарлар — қишлоқ кўрки

Гузарлар — қишлоқ кўрки

Гузарлар — қишлоқ кўрки

Гузарлар — қишлоқ кўрки

Гузарлар — қишлоқ кўрки

«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

Шундай йўл тўғрими?

Ўтган йилнинг сентябрь ойида Даштиғоз савдо бирлашмасининг раиси Х. Абдуллаев Пулҳоқим ва Пудина кишлоқларида нафақахўрлар йиғилишини ўтказиб, уларнинг давлатдан олаётган пулининг 40 фоизини дўқонларга ўтказишга розилик олган.

Пулҳоқимнинг устига қўшимча ҳақ қўйилмайди, бундан хотиржам бўлингизлар, деб қатъий ваъда берган эди. Амалда эса сотувчилар ўз билганларича иш туттишти.

Чунонча й. Пулҳоқимдаги дўқонда пахта ёғи баҳоси устига 10 сўм, Пудина кишлоқига эса 15 сўмдан қўшиб сотишяпти. Келиб-қелиб нафақахўрларни чўмишда қоқишадими бу савдо ходимлари? Умуман, шу тўтилаётган иш тўғрими?

Бойсун туманидаги «Бойсун» жамоа хўжалигининг Пудина кишлоқи нафақахўрлари номидан ЮСУП УСТА ХАЛҚ ўғли.

ЙЎҚ, НОТЎҒРИ

Туман ҳокимлиги шунга маълум қиладики, «Халқ сўзи» газетасига ёзилган шикоят ариза муаллифи ҳамда Даштиғоз савдо бирлашмаси раҳбари иштирокда ўрганиб чиқилди.

Ҳақиқатдан ҳам, нафақахўрларга давлатдан олаётган пулларининг бир қисмига савдо тармоғида маъжуд бўлган 8 турдаги озик-овқат маҳсулотларини ихтиёрий равишда харид қилиш тақлиф этилган.

Лекин ўсимлик ёғи баҳосига қўшимча нарх қўйиб сотилгани норозиликни келтириб чиқарган. Дўқон мудири Е. Турдиева мавжуд қондан бузганлиги учун маъмурий жазо берилди, савдо бирлашмаси раиси Х. Абдуллаевга эса ҳайфсан эълон қилинди.

Т. ҲАМРОЕВ, бойсун тумани ҳокими.

ШИФОКОРЛАР ВА БЕМОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ДЖЕНЕРАЛ ЭЛЕКТРИК» компаниясининг аниқ диагностика усуллари билан бўлган «Sytec-2000»

Рентгенли компьютер томографи Гулистон шаҳрида «МАТЛЮБА» пуллик клиникасида фаолият кўрсатяпти.

Бу ерда ультратовуш, лаборатория диагностикаси ва юқори малакали шифокорлар маслаҳати ҳамда меҳмонхона хизмати ташкил қилинган.

Лаоқа телефонлари: Директор — 25-26-57, Бухгалтерия — 25-26-58, Регистратура — 25-26-62.

Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жағмарамосининг жамоаси бошқаруви раисининг собиқ ўринбосари Лола Каримова МУКУМБОЕВАНИНГ шифот этиллтиги муносабати билан марҳумнинг оиласига чўқур таянч ихдор этади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ Банки мудири жамоаси бошқаруви раисининг собиқ ўринбосари С. Х. Эргашева падари Бўзўрқорни ХУСЕН ОТАШИНГ шифот этиллтиги муносабати билан чўқур таянч ихдор этади.

«Ўзбекистон почтаси» давлат-иқтисодий компаниясининг жамоаси бош директорининг 1-ўринбосари К. Тўлбаевага отаси АЛИБЕК ОТАШИНГ шифот этиллтиги муносабати билан чўқур таянч ихдор этади.

Тошкент давлат университети механика-математика факультети жамоаси «Информатика ва табиқий дестурлаш» кафедрасининг катта ўқитувчиси К. Зоҳировага онаси Киёфот ЗОҲИРОВАНИНГ шифоти муносабати билан чўқур таянч билиштирилади.

Тошкент давлат иқтисодий университети қоғдаги Иқтисодий, бизнес, мутахассисларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтининг раҳбарияти шу институт профессори, икисод фанлари доктори Анар Илимұхамедовага онаси, республика миқёсдаги шахсий пенсионер Хажар ан АБДУЛЛАЕВАНИНГ шифот этиллтиги муносабати билан чўқур таянч ихдор этади.

SIEMENS NIXDORF advertisement featuring computer hardware and services. Includes text: «the champions league» and «User Centered Computing».

АОТПО «ТОШКЕНТ УНИВЕРМАГИ»

янги ихтисослаштирилган «БОЛАЛАР МАҲСУЛОТЛАРИ» бўлимига таклиф қилади

«Оила йили» деб эълон қилинган 1998 йил давомида ёш харидорлар ва уларнинг ота-оналари ўз дидларига монанд чиройли, қудай уст-бош ва пойабзалларни одатдигидан кўра 15 фоизга арзонлаштирилган нархларда сотиб олишлари мумкин.


Мутаносиб ранг, замонавий бичим, турли хил безак болалар кийимига янода чиройли тўс беради.

Янги болалар маҳсулотлари бўлимида ўғил ва қиз болалар учун: сув ўтказмас, жинси матолардан, драддан тикилган КУРТКАЛАРНИ, КОСТОМ ва ПИДАЖКАЛАР, ШИМЛАР, ЮБКАЛАР, жун ва поплиндан тикилган ШОРТИЛАРНИ ҳамда СВИТЕРЛАР, КОФТАЛАР, ВОДОЛАЗКАЛАР, ХАЛАТЛАР харид қилишиниз, янги кийимга мос равишда ЭТИКЛАР, БОТИНКАЛАР, КРОССОВКАЛАР танлаб олишиниз мумкин.

Едингида бўлсин — баҳор яқинлашиб кельмоқда. Демак, болажонларимизга ГОЛЬФИ, ПАЙПОК, КОЛГОТКАЛАР керак.

Чақалоқ ҳаётининг биринчи ойларида жуда зарур бўлган уст-бошларни ўзида мужассам этган чиройли тўплаларни харид қилсангиз, дилингиз шод ва хотиржам бўлади.

Янги «БОЛАЛАР МАҲСУЛОТЛАРИ» бўлими АОТПО «ТОШКЕНТ УНИВЕРМАГИ» нинг 3-қаватида жойлашган. Иш тартиби: 9.00 дан 19.00 гача. Дам олиш кунин — яқшанба.





**Зукко ўқувчиларга маълумки, истеъдодли ёзувчимиз Хайридин Султонов ўзи эътироф этганидек, узок йиллардан бунинг шавқатли тарихимизнинг энг ёруғ юлдузи — ҳазрат Бобур Мирзо сиймосини бир қатор асарларида тадқиқ қилиб келади. Яқинда адабнинг «Шарқ» нашриётида «Бобурийнома» маърифий романи чоп этилди. Китоб ўзининг мазмун-мундарижаси, тартиб берилиши, сюжети, жумладан жанри жиҳатидан ҳам янгилик бўлди.**

дорлик билан ҳукмга буюриб бўлмаганини теран англайди. У чин мўмин инсон сифатида барча яхшиликни ёмонликларни яратган эгам ҳукмига ҳавола этади.

Бобур Мирзонинг чигал, алам ва ситамларга, армон ва андуҳларга тўла тақдири ҳамдардлик ҳарорати билан тасвир этилар экан, ёзувчи «Саодат соҳили» қиссасида унинг энг муқаддас армони — Ватан вилоятига ноил бўлиш иштиёқини чўнг бир муҳаббат билан битеди. Бобур Мирзонинг чуқур изтироб билан дил хаста сўроқларига, нурли соҳил сари талпинган руҳий тугёнларига, аллома ҳофиз Кўйкӣ «Саодат соҳили Ватандир», дея жавоб қайтаради.

Бобур ва Ватандан айрилиш тушунчалари яккаш бир маъно касб

лари, Покистон, Ҳиндистон, Афғонистон сингари давлатлари ҳудудларида ўн минглаб километр йўл босиб, буюк аждолимиз излари қолган манзилларни, шаҳар қишлоқларни зиёрат қилиб, юзлаб одамлар билан учрашиб, Бобурийзодалар барпо этган кўлаб тарихий обидаларни ўрганиб, улкан илмий бойлик тўплаб келганликлари — шўҳасиз экспедициянинг мақтаса аризулиги ютуғидир. Бобурийзодалар хонадонининг аъзоси, Лайло Уммахоннинг тўнғич ўғли «Ҳиндистондаги Мугуллар оиласи» жамиятининг Бош котиби, марҳум Баҳодиршоҳ Зафарнинг чеvarаси Зиёиддин Тусийнинг Президентимиз Ислам Каримовга юксак эътиром билан йўллаган мактуби ва юртбошимизнинг у кишига ёзган жавоб

янгилек сирасига Бобур Мирзо ўғилларидан бири Комрон Мирзо тақдирга ёндашув ҳам қиради. Маълумки, талай тарихий ва бадиий асарларда Комрон Мирзонинг акаси Хумоюн Мирзо билан тож-тахт талашиб қилган муҳорабаларида кўпроқ ука айбланар эди. Бобур Мирзонинг Комронга муносабати ҳам бироз маъхумроқдай эди. Хайридин Султонов шаҳзода тақдирининг шу кемтик қисмини хийла тўлдириб, анчайин ойдиллик киритган. Жумладан, ўқувчи муаллифнинг муфассал ва холис ёндашуви тўғрисида «Бобур Мирзонинг иккинчи ўғлига (яъни, Комрон Мирзога — Ж. С.) нисбатан меҳр-муҳаббати бошқа фарзандларидан асло кам бўлмаганини», шунингдек, у «дўлбар нафас шоир сифатида ниҳоятда нафис, ниҳоятда маҳзун ва жўшқин газаллар» битганлигидан бохабар бўлиб, Комрон Мирзо ижодидан кичик парчалар ва шу иқтибосларга ёзилган чуқур ва муҳтасар тадқиқот-таҳлил билан танишишга мўъсар бўлади.

Бобурийлар сулоласининг эътиқоли муҳлиси, ҳинд халқининг мумтоз фарзанди Жавоҳарлаъл Неру мамлакатдорлик юмушларидан чарчаб, бир лаҳза ўз кўнгли билан ёлғиз қолган чоғ «Ҳаёт буюк лаҳзалардан иборат, аммо бундай лаҳзалар жуда кам келади ва жуда тез ўтиб кетади», деган эди. Айни ҳақиқат гўё Бобур Мирзо ҳаёти ҳақида айтилгандек туюлади. Фақат донишманд аждолимиз ҳаётидаги буюк лаҳзалар тез ўтиб кетмасдан, инсоният тарихидан абадий жой олди. Асрлар давомида «абадий лаҳза» неча юзлаб олим уфозлар, шоир удибларнинг илҳом ва ижод манбаи бўлиб келмоқда. Хайридин Султоновнинг «Бобурийнома» маърифий романи ҳам «абадий лаҳза» деб аталмиш бу мангу муқаддас, тоабат унутилмас улуг инсоннинг ҳаёт кўрғонидан беиминнат ёқилган бир чирокдек порлаб туришига ишонимиз.

Жалолиддин САФОВ.

**КИНО ОЛАМИДА**

**АЛЭН ДЕЛОН ФИЛЬМЛАРИ — ЎЗБЕКИСТОНДА**



Шу кунларда пойтахтимиздаги Алишер Навоий номли санъат саройи мамлакатимиздаги француз кино санъати муҳлислари билан гаўжум бўлиб қолди. Босиб, бу ерда жаҳон киносининг энг ёрқин юлдузларидан бири ҳисобланган таниқли актёр Алэн Делон фильмлари фестивали давом этмоқда. Французиянинг мамлакатимиздаги Фавкулдада ва Мухтор элчиси жаноб Жан Клод Ришарнинг шахсан ташаббуси билан ташкил қилинган маъмур анжуман юртимизда икки ҳафтадан зиёд вақт давом этади. Унда таниқли киноактёр турли йилларда суратга тушган машҳур фильмлар намойиши этилмоқда.

Аслида жаҳонда кино санъати пайдо бўлгандан бунинг «осмонда» юзлаб чароғон юлдузлар порлади. Лекин уларнинг ҳеч бирини ўзаро мўъясас қилиб бўлмайди. Жумладан, кино санъати тоқуда ўзоқ вақтдан бери ёрқин чарақлаб турган «Делон юлдузи» ўзининг сеҳр-жозибаси, сирру синоати, гўзаллиги билан миллионларни ўзига ошурта этганлиги сир эмас. Негаки, бу даргоҳта йигит ёшида кириб келган Алэн Делон ўзининг илк фильмларида-ноқ яратган образлари билан доврўт тара бошлаган эди. Бир неча ўн йиллар мобайнида у 50 дан зиёд фильмларда иштирок этди. Яратган образлари эса ранг-баранг характерга эга эканлиги ва эсда қоларлилиги билан алоҳида ажралиб туради. Ана шу давр мобайнида у буюк француз кинорежиссёрлари — Кавелье, Мельвиль, Клеман, Висконти, Годар каби машҳур актёрлар билан ижодий ҳамкорлик қилди. Шу боис ҳам ушбу актёрга юртдошлари ҳақли равишда француз кино санъатининг жонли шоҳиди, дея баҳо беришади. Дарҳақиқат, Алэн Делон нафақат француз, балки жаҳон кинематографиясининг энг ёрқин намояндаларидан бири сифатида эътироф этилган.

Юртимизда давом этаётган Алэн Делон фильмлари фестивалига таниқли актёрнинг турли йилларда суратга тушган

энг сара фильмлари олиб келинган. Хусусан, «Самурай» (1967 й. режиссёр — Мельвиль), «Чароғон кўёш» (1959 й. режиссёр — Клеман), «Ер остидаги оҳан» (1963 й. режиссёр — Верней), «Ховуз» (1968 й. режиссёр — Дерэй), «Мистер Кляйн» (1976 й. режиссёр — Жозеф Лозе), «4 киши ўлдирилди» (1980 й. режиссёр — Дерэй), «Бизнинг тарих» (1984 й. режиссёр — Блие) сингари жаҳон халқлари олқишига сазовор бўлган кино асарлари шулар жумласидандир. Яна бир муҳим жиҳати, фестиваль дастуридан 1981 йили Алэн Делоннинг ўзи суратга олиб, асосий роллардан бирини ижро этган «Полициячининг шаъни учун» фильми ҳам ўрин олган. Шунингдек, юқоридан тилга олинган фильмлар намойиши республикамизнинг Бухоро, Навоий ва Самарқанд шаҳарларида ҳам бўлиб ўтмоқда.

Албатта, француз киносининг фахри, ўзининг ноёб истеъдоди билан бутун дунёдаги кино шинавандаларининг меҳрига сазовор бўлган Алэн Делон ижоди билан яқиндан танишиш ўзбек муҳлислари учун ҳам кўнглилидир.

Ғафур ШЕРМУҲАММАД,  
«Халқ сўзи» муҳбири.

**МУТОЛАА**

**МАНГУ МУҲРАЛАНГАН  
ЛАҲЗАЛАР**



ни огоҳ этадилар, деган хулосага келади. Дарҳақиқат, ушбу китобда ҳам Бобурнинг маънавий лирлари унинг тушларида тақдир мушкулоти-лари ечимидан мудом огоҳ этиб, кўнглига умид, эзулик уруғларини сочадилар. Айнан Бобур Мирзога шундай тақдирни насиб этиши мутлақо табиийдир. Чунки падари бузруквори Умар Шайх сингари «адолат мартабасида» бўлган улуг инсонга ўзгача бир ҳаёт тарзи рўбарў келиши мумкин эмасди. Салтанату тож-тахтдан мосуво бўлиб, сарсон суриганида ҳам, улуг империя барпо этиб, тахтга муқим ўтирган чоғларида ҳам бу мўътабар инсон қалбини алолат, одамларга ҳамдардлик, яхшилик қилиш, энг муҳими, кеңиримли бўлиш одати тарқ этмайди. Қалб қаватлари илоҳий нурлардан ёришиб турган, улуг қаромат соҳиб Бобур Мирзо ҳазратлари одамлар руҳини фармонбар-

этиш даражасига етганлигини муаллиф ўзи иштирок этган халқаро сафар давомида ўқувчига танитилган унлаб қаҳрамонлар тақдири миқсолида ҳам яққол сезиш мумкин.

Дарвоқе, сафар хусусида ҳам икки оғиз сўз айтиш мавриди келди. Ушбу сафар аввало мустақиллик тушунтириш ижобат бўлди. Қутлуг ниёт шарофати билан экспедиция қатнашчилари бобуршунослик илмида жуда катта кашфиётлар яратилдики, бу ҳақда китобда муфассал ҳикоя қилинади. Экспедиция раҳбари, Бобур номидаги халқаро жамғарма президенти, таниқли олим ва толмас жамоатчи Зокиржон Машрабов (романда «Бой ота»)нинг холис, жонқуяр, фидоий, тушқунлик нималигини билмайдиган сиймоси шақсиз китобхон муҳаббатини қозонади. Дунёнинг Туркманистон, Эрон, Туркия, Сурия, Иордания, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирлик-

хати ҳам китобдан алоҳида эътибор билан жой олганки, бу экспедиция амалга оширган хайрли ишларга ўзгача салобат ва салоҳият бахш этган.

Жаҳон тарихида ноёб ҳодиса — тангрининг улуг инонтига қарангки, Бобурийзодалар Ҳиндистонда ҳам, Покистонда ҳам халқнинг самимий ҳурмат-муҳаббатига сазовор бўлишган. Ҳиндистоннинг энг ардоқли фарзандларининг Бобур Мирзо ва унинг авлодлари ҳақидаги ҳарорат йўғрилган юксак фикр-баҳолари бугун бутун оламда қанотли сўзлар каби маълум ва машҳурдир. Китобда бобурийлар ана шундай улугвор шарафга қандай мушарраф бўлганликлари хусусида ҳам янги тарихий далиллар ва соф инсоний муносабатлар доирасида ифтихор ва мароқ билан сўзланади.

Маърифий роман янги фактлар, янги ҳақиқатларга бой дедик. Шу




**ЎЗБЕКИСТОНДА УЯЛИ АЛОҚА ХИЗМАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДА ИШ ОЛИБ БОРАЁТГАН**

**ЎЗБЕК-АМЕРИКА ҚЎШМА КОРХОНАСИ**

**ХАЙИЙТИНГИЗ МЎБОРАК БЎЛСИН!**

**Меҳнатсевар ва истеъдодли Ўзбекистон халқига мамлакат тараққиёти йўлида амалга ошираётган юксак ва олийжаноб вазифаларни ҳал қилишда янги муваффақиятлар тилаймиз. Бахт-саодат, сабр ва саховат, меҳр ва мурувват доимий ҳамроҳингиз бўлсин!**

**Биз, «COSCOM» - Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси жамоаси, Сизга жаҳондаги энг илғор давлатлар танлаган GSM-900 андозасини тўлиқ тақдим этиш шарафига муяссар бўлганимиздан мамнунмиз!**



**ВАТАН, ОИЛА ВА ИЙМОН — МУҚАДДАС ТУЙҒУ!**

<p><b>ХАЛҚ СЎЗИ</b> НАРОДНОЕ СЛОВО</p>	<p><b>Бош муҳаррир</b> Аббосхон УСМОНОВ</p> <p><b>МУАССИСЛАР:</b> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси</p>	<p><b>БЎЛИМЛАР:</b> Парламент 133-57-34; Хукук ва қонунийлик 136-07-94; Иқтисодий 136-36-65; Қишлоқ ҳўжалиги 136-37-85 Маънавият 136-35-60, 132-10-65; Халқаро 136-29-89, 133-07-48; Фан, туризм, спорт ва ҳарбий ватан-парварлик 132-12-08; Халқаро ҳаёт 132-11-15; Котибхона 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.</p>	<p>Рўнҳатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г — 0903, 33.805 нуҳада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А-2 Газета ИВМ компьютерида терилди ва опера- торлар Рустам АЗИМОВ, Иман РЕШАНОВ ва АКРОМ томонидан саҳифаланди.</p>	<p><b>С МАНЗИЛИМИЗ:</b> 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.</p> <p>Навбатчи муҳаррир — М. Сафаров. Навбатчи — Т. Абдурахмонов. Муъаххих — Ш. Машраббеов.</p>
--	--	---	---	--

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топшириди: 22.45 1 2 3 4 5 6